

А.Очилов, ТМИ магистранти
и.ф.н., доц. Э.Носиров

ИҚТИСОДИЁТДА ЖАЛЬ ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мазкур мақолада миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестицияларни мониторинг қилишнинг зарурати, асосий йўналишлари, микро ва макродаражадаги мониторинг жараёнлари мазмуни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инвестициялар, хорижий инвестициялар, инвестиция лойиҳалари, мониторинг, инвестиция дастури, назорат, инвестиция сиёсати.

В данной статье проанализированы необходимость, основные направления мониторинга иностранных инвестиций, а также содержание процессов мониторинга на микро и макро уровне.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционные проекты, мониторинг, инвестиционная программа, контроль, инвестиционная политика.

A necessity, the main directions of foreign investments' monitoring and essence of processes of monitoring at micro and macro levels has analyzed in this article.

Key words: investments, foreign investments, investment projects, monitoring, investment program, control, investment policy.

Глобаллашув жараёнлари кучайтган бугунги кунда мамлакатлар ўртасида нафақат товарлар, хизматлар, ишчи кучи оқимини, балки капитал миграциясини ҳам кузатиш мумкин. Ривожланаётган давлатлар турли иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ечишда хорижий инвестицияларни жалб қилиб, улардан ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда, иқтисодиётда рақобатни кучайтиришда, ишсизлик муаммоларини ечишда кенг фойдаланмоқдалар.

Жалб қилинган инвестициялар билан бирга мамлакатга замонавий технологиялар, бошқарув қўнималари, номодий активлар кириб келади, ташқи бозорлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилади, илмий-техник тараққиёт жадаллашиб иқтисодиётнинг рақобабардошлиги ошади. Аммо хорижий инвестициялар оқимининг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири билан бирга, унинг салбий самаралари ҳам мавжуд. Улардан - ички капитал қўйилмаларнинг хорижий инвестициялар ва маҳаллий фирмаларнинг юкори рақобатбардошликка эга бўлган трансмиллий корхоналар томонидан сиқиб чиқарилиши, хорижий инвестициялар асосан табиий ресурслар қазиб оловчи тармоқларда ихтисослашуви, миллий иқтисодиёт тобора жаҳон иқтисодиёти ҳолатига боғлиқ бўлиб қолиши ва бошқа хатарлар ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам иқтисодий тараққиётнинг хозирги босқичида жалб қилинган инвестицияларни мониторинг қилиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хорижий инвесторлар учун кенг миқёсли шарт-шароитлар ва имтиёзлар тизими яратилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456та лойиха амалга оширилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”. [1]

Жалб қилинган инвестиция лойиҳаларининг микро- ва макродаражада мониторингини ўтказиш мумкин. Микродаражадаги мониторингнинг асосий йўналишлари 1-расмда кўрсатилган, унга асосан муайян лойиҳанинг ўз вақтида ишга туширилиши, молиявий ва техник кўрсаткичларига эришиши, ишлаб чиқариш қувватлари қай даражада ўсиши, мақсадлилиги назорат қилинади.

Макродаражадаги мониторинг ёрдамида жалб қилинган инвестицияларни худудий, тармоқлараро тақсимланиши ҳамда қайси манбалар ҳисобига амалга оширилганлиги назорат қилинади. Чунки жалб қилинган инвестициялар хорижий инвесторларнинг манфаатларини кўзлаб иқтисодиётда турли номутаносибликларга сабаб бўлиши мумкин. Макродаражадаги мониторинг ёрдамида иқтисодий тараққиётнинг кейинги босқичларида инвестиция сиёсатининг такомиллаштириш йўллари аниқланади, мазкур номутаносибликлар бартараф этилади ва инвестиция мухитини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилади.


Хорижий инвестицияларни макродаражада мамлакатимиз худудлари бўйича тақсимланишини таҳлил қиласиган бўлсак, айнан шундай номутаносибликни кузатиш мумкин. Яъни хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар асосан Тошкент шаҳри (64%) ва Тошкент вилояти (11,1%) ҳамда Самарқанд вилоятлари (5,4%) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Хоразм вилояти (0,8%), Кашқадарё (1%), Навои вилоятлари (1,2%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (1,5%) ҳиссаларига тўғри келади. [3]



1-расм. Инвестиция лойиҳаси мониторингининг йўналишлари.

Бу эса мазкур ҳудудлар маҳаллий бошқарув органларини хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, маҳаллий инфратузилмани такомиллаштиришни, ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни яхшилашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади. Чунки давлат миқёсида хорижий инвесторлар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, айниқса “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида [2] 2019 йил 1 мартдан бошлаб кўзда тутилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар-нинг таъсисчилари ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиласиган «инвестиция визаси» жорий этилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилиши, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки «инвестиция визаси»га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳукуқига эга бўиши ва хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча

рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш муддатига амалга оширилиши каби чора-тадбирларни алоҳида таъкидлаш лозим.



2-расм. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Тармоқлар бўйича хорижий инвестициялар тақсимланишини таҳлил қиласидан бўлсак, хорижий инвестиция ва кредитлар қуидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилди: хом нефт ва табиий газ қазиб олиш саноати 57,0 фоиз (жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуси), махсулотлар ишлаб чиқариш 13 фоиз, ташиш ва сақлаш 9 фоиз, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган хаво 2 фоиз, ахборот ва алоқа 10 фоиз, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йифиш ва қайта ишлаш 2,0 фоиз. [3] Жалб қилинган инвестицияларни асосий қисми ресурс қазиб оловчи ва қайта ишловчи тармоқларда жойлашуви ресурслар чекланган шароитда узоқ келажакда инвестициялар оқимини сезиларли камайишини билдиради ҳамда давлатимиз ресурс салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам хозирги кунда давлатимиз томонидан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасига сармоя киритган хорижий инвесторларга кенг имтиёзлар тақдим этилмоқда.

Сўнгги йилларда мониторинг сифатини кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилиб у томонидан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилинган барча иштирокчиларни улаган ҳолда Лойиҳа бошқаруви ягона миллий ахборот тизимини яратилди. [4]

Ундан ташқари, мамлакатимизда 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб инвестиция лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаганлик, шунингдек тасдиқланган мақсадли қўрсаткичларга эришганлик учун ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети кўшимча манбалари ҳисобидан икки лавозим маошигача бўлган миқдорда бирйўла мукофотлаш тарзида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг раҳбарларини рағбатлантириш кўзда тутилган. Агар инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли бажарилмаса миллий қонунчилик бўйича хайфсан эълон қилиш, лавозим маошининг эллик фоизигача миқдорида жарима солиш ва белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш (эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш) тарзида мазкур раҳбарларнинг интизомий жавобгарлиги тизими жорий этилади. [5]

Миллий иқтисодиётда 2019 йилда ҳам инвестицияларни жалб қилиш сиёсати давом эттирилади: “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2018 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин”. [1]

Шундай қилиб, жалб қилинган инвестициялар мониторинги - бу давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг бир тури бўлиб, у инвестициялар харакати, тақсимланиши ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини ўрганишни ўз ичига қамраб олади ва унинг натижалари асосида давлат инвестиция сиёсати такомиллаштирилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28.12.2018й. (<https://president.uz/uz/lists/view/2228>).
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5635-сонли Фармони, 17.01.2019 йил.
3. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5717-сонли Фармони, 14.05.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4300-сонли қарори, 29.04.2019 йил.